



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

2022 йил «15» февраль

84-11-0-Q/22

Фарғона вилояти ҳокимлиги

Шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташиш ҳақини тўлаш тарифларини белгилаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддалари, “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12, 16-моддалари, “Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги, “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2724-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида”ги 482-сонли, 2012 йил 17 сентябрдаги “Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 273-сонли қарорлари ижроси юзасидан шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташишнинг йўл қўйиладиган тарифлар даражаси иқтисодий асосланган ташиш харажатларидан ва йўловчилар ташиш хизматларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фарғона вилоятидаги шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қуидаги тарифларда белгилансин:

а) хизматларининг чекланган тарифи бир йўловчига йўл ҳақи йўналишли такси (микроавтобус)лар учун бир ўриндик учун 2500 (икки минг беш юз) сўм;

б) автобусларда бир нафар йўловчи учун йўл чиптаси 1500 (бир минг беш юз) сўм;

в) йўналишли такси ва автобусларда ҳажми 60 см x 40 см x 20 сантиметрдан 100 см x 50 см x 30 сантиметргача бўлган ва узунлиги 150 сантиметрдан 200 сантиметргача бўлган буюмларни, шунингдек, ўлчамидан қатъи назар, оғирлиги 20 килограммдан ортиқ бўлган багажни олиб юриш қиймати йўловчининг йўл ҳақи қиймати каби тартибда.

2. Фарғона вилояти шаҳарларида, шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташиш хизматларининг чекланган тарифи қўйидагича белгилансин:

а) автобусларда бир нафар йўловчи (1) км учун 170 (бир юз етмиш) сўм;

б) микроавтобусларда бир нафар йўловчи (1) км учун 250 (икки юз эллик) сўм;

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташилган йўловчилар сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги **Низомга** асосан пенсиянерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар, ўқувчилар ва талабалар учун 50 фоизлик чегирма берилганлиги инобатга олинсин.

4. “Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни билан шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) имтиёзли (бепул) фойдаланувчилар рўйхати иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Қонунга асосан йўловчи:

шаҳар йўналишларидағи автобусларда етти ёшгача бўлган болаларни ўзи билан бепул олиб юриш;

шаҳар йўналишларида йигирма килограммдан ошмайдиган

оғирлиқдаги багажнинг бир ўрнини ўзи билан бепул олиб юриш ва бошқа хуқуқларга эга эканлиги инобатга олинсин.

6. Вилоят транспорт бошқармаси (О.Иркабев)га:

шаҳар йўловчилар транспорти субъектлари учун жорий этилган йўл чипталари ва варақаларидан фойдаланишни тартибга солишни;

“Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш хуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 2434, 2013 йил 4 март) асосан айрим тоифадаги фуқароларга шаҳар йўловчилар транспортида бепул юриш хуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар берилишини;

молия йили якунида шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш хуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини ҳар йили инвентаризациядан ўтказишни;

бир ойда шаҳар йўловчилар транспортида юришларнинг ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташилган йўловчилар сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг “Статистик ҳисоботлар тузишида йўловчиларнинг турли тоифалари, ойлик транспортда юриш карточкалари турлари ва транспортда бепул юриш хуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича ҳисобга олинадиган йўловчиларнинг транспортда юришлари сони” иловасида белгиланган тартибда амалга оширишни;

шаҳар йўловчилар транспортида юриш тарифларига риоя этилишини таъминласин.

7. Вилоят Молия бошқармаси (З.Рўзалиев), вилоят транспорт бошқармаси (О.Иркабаев) шаҳар ҳокимлари билан биргаликда шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) имтиёзли (бепул) юриш хуқуқини берадиган фойдаланувчилар учун шаҳар йўловчилар транспорти ташувчиларининг йўл қўйиладиган доирадаги тарифлар бўйича йўловчилар ташиш хизматлари кўрсатиш муносабати билан кўрган зарари Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикасида чекланган тарифлар бўйича аҳолига хизматлар кўрсатиши муносабати билан шаҳарда йўловчиларни мунтазам ташиш билан банд бўлган ташувчилар кўрадиган заарларни молиялаштириш ва қоплаш тартиби тўғрисидаги Низом асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йил учун тасдиқланган параметрлари доирасида ва маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

8. Вилоят ҳокимининг шу мазмундаги 2019 йил 11 марта даги 89-сон қарори ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталарида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари X.Исақов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Х.Бозаров

Фарғона вилоят ҳокимининг
2022 йил 15 февралдаги
84-11-0-Q/22-сон қарорига
1-илова

Йўловчи ташиш транспортидан имтиёзли (бепул) фойдаланувчилар

РЎЙХАТИ

1. 1941 – 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар.

2. 1941 – 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гурух ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс.

3. 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнат ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар.

4. Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналминалчи жангчилар, жумласидан бўлмиш фуқаролар.

5. Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматчилар ва шартнома (контракт) бўйича оддий ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар.

6. Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар.

7. Кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахслар.